# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 13 май, № 95 (6278) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Мустақилликнинг ҳар бир куни ҳаётимизга янгиланишлар, хушхабарлар олиб келмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтирмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормоқда. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилган Халқаро ҳамкорлик маркази, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, “Маърифат маркази”, “Пойтахт” бизнес маркази, “Бунёдкор” спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, тураржойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига кенг қулайлик яратмоқда.

Хадра майдонида 2013 йили улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш мақсадида Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинганди. Бунинг узвий давоми сифатида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприк қурилди.

Президентимиз Ислом Каримов 12 май куни ушбу кўприкни бориб кўрди.

Илгари бу чорраҳада иккита катта кўча кесишар, оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Абдулла Қодирий кўчасининг ҳар бир йўналиши тўрт полосали қилиб кенгайтирилди.

Шу пайтгача Себзор кўчасининг ўтказувчанлик имконияти соатига 3200 автомобилни ташкил этган бўлса, 6 қаторли кўприк қурилиши самарасида бу кўрсаткич 9800 тага етади. Абдулла Қодирий кўчасида ҳам энди автомобиллар қатнови 2400 тадан 5600 тага ортади. Бу нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Нурафшон, Абай, Олмазор, Зулфияхоним, Қорасарой, Сағбон, Зарқайнар, Навоий, Сақичмон кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Эътиборлиси, шундай катта чорраҳада биронта ҳам светофор йўқ. Йўловчилар ҳам, автомобиллар ҳам бу ерда тўхтовсиз ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

Ушбу янги иншоот “ТошкентбошпланЛИТИ” давлат унитар корхонаси ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик компаниясига қарашли “Кўприкқурилиш” тресті томонидан бунёд этилган. Хорижнинг энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди.

Авваллари бирор иншоот ёки кўприк қуриш керак бўлса, кимни ёрдамга чақиришни ўйлардик, деди Ислом Каримов. Битта кўприк қуриш учун икки-уч йил вақт кетарди. Энди мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик, йўлсозлик тажрибаси тўла шаклланди, кўприксозлик соҳаси пайдо бўлди. Мана шундай замонавий, муҳташам кўприкни 8 ойда бунёд этганимиз мамлакатимизнинг жадал ривожланиб бораётгани, халқимиз нақадар улкан ютуқ ва марраларга эришаётганини кўрсатади.

Бу гал мамлакатимиз йўлсозлигида яна бир янгиликка қўл урилди — кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун 102 ва 111 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилди. Уларга чиқиб-тушиш учун зинапоя билан бирга эскалатор ва лифт ҳам қурилган. Уларда ёғин-сочинли кунларда ҳимояланиш мосламалари ҳам ўрнатилган. Бундай замонавий, одамлар учун барча қулайликлар эътиборга олинган кўприк-иншоотлар дунёнинг баъзи мегаполисларидагина мавжуд. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу иншоот мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.





Себзор кўчаси орқали 98 метрлик яна бир ер ости йўли барпо этилгач, пиёдаларга чорраҳанинг тўртала томонига ҳам хавфсиз ўтиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида мазкур ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириш, аҳолининг дам олиши ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун кенг имконият яратиш, мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида фавворалар бунёд этиш кераклигини таъкидлаган эди.

Ушбу тавсиялар асосида бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада пойтахтимизда яна бир сўлим маскан пайдо бўлди. Йўл бўйига каштан, эман ва лола дарахтлари ўтқазилди, райҳонлар экилди. Бу манзара халқимизнинг файзли боғларини, обод хонадонларини эслатади, қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Дарахт ҳам тирик жон. У соя беради, кўзни қувонтиради, соғлиқни мустаҳкамлайди, умрни узайтиради. Дарахтни севиш, асраш керак. Бу мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда мана шу ерда яшаётганларнинг, бутун пойтахтимиз аҳолисининг вазифаси, бурчи бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз.

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун имконият яратиш, мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда учта фаввора қурилди. Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи олдидаги фаввора реконструкция қилинди. Уларнинг атрофида одамлар ҳордиқ чиқариши, болажонлар яйраб ўйнаши учун шароит яратилди.

Президентимиз шу атрофда истиқомат қилаётган фахрийлар ва ёшлар билан суҳбатлашди.

— Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида кўримсиз уйларда яшаб келган, у ерда биронта янги қурилиш бўлмаган, — деди Ислом Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра, янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилмоқда. Энди Эски шаҳарни “Эски шаҳар” дейиш тўғри келмайди. Яқин йиллар ичида бу жой ҳамма ҳавас қиладиган замонавий масканга айланади.

Аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар натижасида пойтахтимиз тобора обод ва кўркам бўлиб бораётир. Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журналининг баҳосига кўра, Тошкент шаҳри дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбари ушбу майдоннинг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам олиши учун яратилган қулайликларни кенгайтириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намойиши бўлган бундай замонавий иншоотлар, ободонлаштириш ишлари аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎзА мухбирлари.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

# НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИМИЗНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИ

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

## хорижлик инвесторларнинг қизиқишини янада оширмоқда

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2015” ўн тўққизинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Мазкур тадбир “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида “ITE Uzbekistan” компанияси томонидан ташкил этилди.

Мана, салкам йигирма йилдирки, дунё нефть-газ саноатининг етакчилари, ушбу соҳага ихтисослаштирилган йирик хорижий компаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, тармоқ истиқболи, унга замонавий технологияларни татбиқ этиш, янги йўналишларга асос солиш, долзарб мавзуларни муҳокама қилиш мақсадида Тошкентда жам бўлади. Бу галги саноат форумига жаҳоннинг 20 давлатидан 200 дан ортиқ компания раҳбарлари ва вакиллари ташриф буюрдики, бу ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган қизиқишнинг юқорилигидан яққол далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

# «Фараҳбахш кунларга етказганига шукр!»

ДИЛ СЎЗИ

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни катта кўтаринкилик билан нишонланди. Телевизор орқали муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу байрам мазмун-моҳияти, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, осойишта ҳаётимиз, уни асраб-авайлаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини диққат-эътибор билан эшитдим, кузатдим. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзи барча оила аъзоларимиз қатори мени ҳам жуда тўлқинлантирди. Беихтиёр кўзларимга қувонч ёшлари келди.

Ахир севинмай бўладими?! Инсон қадри улуғланган, тинчлик барқарор юртда яшаймиз. Улкан бунёдкорликлар рўй бераётгани, халқимиз манфаати, ёшларимизнинг ёруғ истиқболини ўйлаб беқиёс имкониятлар яратилаётгани ана шу осудалик туфайлидир. Юртбошимиз мазкур чиқишларида таъкидлаб ўтган хушхабар, яъни хорижлик социологлар томонидан ўтказилган “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” тадқиқотида жонажон Ўзбекистонимиз 158 давлат орасида 44-поғонани, МДҲ мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллагани барчамизни ғурурлантирди. Ушбу рўйхатни тузишда 2012 — 2014 йиллардаги ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим соҳалар бўйича қирқдан ортиқ жиҳатлар қиёсий таҳлил қилинган экан.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2015 йил 15 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 14 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИМИЗНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИ

## хорижлик инвесторларнинг қизиқишини янада оширмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, жаҳон нефть-газ саноатидаги мураккаб вазиятларга қарамасдан, юртимизда бу соҳа жадал суръатларда ривожланмоқда.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, иқтисодиётимизнинг локомотивларидан бирига айланган нефть-газ саноатида қўлга киритилаётган ютуқлар замирида Президентимиз ташаббуси билан мазкур соҳа равнақига қаратилаётган алоҳида эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар мужассам.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида кўплаб замонавий мажмуа ва йирик корхоналар ишга туширилгани табиий бойликларни ўзлаштириш, уни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имконини бермоқда. Натижада бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши баробарида, хом ашё ва маҳсулотлар экспорти тобора оширилаяпти.

Эътиборлиси, нефть-газ тармоғида иш самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарига инновацион лойиҳаларни жорий этиш, мавжуд қувватларни технологик янгилаш тадбирлари изчил олиб борилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги 2015 — 2019 йилларда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурига доир Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Гап шундаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, келгуси йилда ўн битта, 2017 йилда бешта, 2018 йилда тўққизта, 2019 йилда ўн тўртта ва ундан сўнг яна ўн битта углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилади. Шу маънода, “Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2015” халқаро кўргазмаси чет эллик ҳамкорлар учун ушбу лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот олиш, айни чоғда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун қулай фурсатдир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

— Кўргазмага ташриф буюриб, Ўзбекистонда нефть-газ тармоғини ривожлантириш истиқболлари, янги қувватларни ишга тушириш режалари билан яқиндан танишишга муяссар бўлдик, — дейди Италиянинг “Eusebi Impianti” компанияси менежери Родольфо Боллати. — Яқин истиқболда амалга оширилиши белгиланган бу лойиҳалар юртингизда углеводород ресурсларини қидириб топиш ва қазиб олиш, конларни тайёрлаш ҳамда ишлатиш жабҳасида юқори тажриба тўпланганини исботлаб турибди. Биз ҳам уларнинг ижроси борасида ҳамкорлик қилиш ниятида ўз маҳсулотларимизни таклиф этаяпмиз. Яъни компаниямизда ишлаб чиқарилаётган, нефть-газ саноати корхоналари учун мўлжалланган ёнғинни ўчириш автоматик тизимларини намойиш қилаяпмиз. Уларнинг сифати юқорилиги боис қизиқиш катта бўлмоқда.

Республикамиз нефть ва газ саноати ютуқларининг чинакам намойиш майдонига айланган бу йилги халқаро кўргазмада дунёнинг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, Голландия, Польша, Словения, Франция, Чехия, Жанубий Африка Республикаси, Корея Республикаси сингари ўнлаб давлатларидан йирик компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашаяпти. Улар орасида геология-қидирув, геофизик ҳамда сейсмик асбоб-ускуналардан тортиб, табиий ресурсларни қазиб олиш, уни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот сақлаш ва етказиб бериш ускуналари ҳамда технологиялари, шунингдек, назорат-ўлчаш жиҳозлари, иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган маҳсулотлар, автомобилга сиқилган газ қуйиш компрессор станциялари учун замонавий асбоб-ускуналаргача бор.

— Ушбу кўргазмада иккинчи марта иштирок этаяпмиз, — дейди Жанубий Кореянинг “Hyuosung” компанияси менежери Чонг Санг Ёл. — Бизнинг компаниямиз сиқилган газ компрессорлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, маҳсулотларимизни дунёнинг 73 давлатига экспорт қиламиз. Кейинги йилларда, айниқса, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз тобора мустаҳкамланмоқда. Бунда юртингизда хорижий ҳамкорлар қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаяпти. Масалан, компаниямиз аввалги кўргазма доирасида имзоланган шартномалар асосида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида автомобилларга сиқилган газ қуйишга мўлжалланган учта компрессорни ўрнатиб берди. Бу галги кўргазма ҳам келишувларга бой бўлишига ишонамиз. Чунки мамлакатингизда экологик тоза ёнилғи қуйиш шохобчаларини барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган нефть-газ ва нефть-кимё саноатида кўп йиллик бой тажрибага эга. Бунга “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси учун ажратилган намойиш бурчагига ташриф буюрган киши яна бир карра амин бўлади. Кўргазмада компания тизимидаги 30 га яқин маҳаллий ва қўшма корхоналар иштирок этаётган бўлиб, улардан қайси бирининг фаолияти билан яқиндан танишманг, соҳада тўпланган тажрибадан оқилона фойдаланилаётгани, хорижнинг замонавий технологик линияларини жалб этган ҳолда, модернизациялаш тадбирлари изчил олиб борилаётгани, пировардида саноатимиз ривожида янги саҳифалар очилишига муносиб ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўласиз.

— Юртингиз иқтисодиёти, айниқса, нефть-газ саноати барқарор ривожланиб бораётганидан хабардормиз, — дейди Хитой Халқ Республикасининг “Kerui Group” компанияси вакили Давид Ву. — Бу эса савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришда қўл келмоқда. Бизнинг компаниямиз нефть-газ соҳаси учун замонавий ускуна ва қурилмалар ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган бўлиб, дунёнинг 57 та давлатида филиали, хусусан, Ўзбекистонда ўз ваколатхонасига эга. Юртингиздаги асосий ҳамкоримиз ҳисобланган “Ўзбекнефтгаз” компанияси кўмагида шу соҳага ихтисослаштирилган корхоналарга қидирув, бурғилаш, хом ашёни қазиб олиш ускуналарини етказиб бераяпмиз. Бугунги кўргазма ўз маҳсулотларимизни кенг намойиш қилиш, янги ҳамкорлар топиш учун қулай бизнес муҳитини яратиб берганидан мамнунмиз.

Халқаро тадбир иштирокчиларини уч кун давомида мамлакатимизнинг нефть ва газ саноати ютуқлари билан кенгроқ таништириш мақсадида кўргазма доирасида долзарб мавзудаги анжуман, ранг-баранг тақдимотлар ташкил этилаётгани диққатга сазовордир. Хусусан, унинг иккинчи кунида “Замонавий технологиялар ва инновациялар — Ўзбекистон нефть-газ саноатининг энергетика самарадорлигини оширишнинг асослари” мавзуида халқаро конференция ўтказилиши режалаштирилган.

Кеча, шунингдек, “Энергетика — Power Uzbekistan — 2015” ўнинчи халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси ҳам очилди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, иккала тадбирнинг бир пайтда ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад “Бизнес — бизнесга” тамойили асосида бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган соҳалараро саноат кооперациясини ривожлантиришдан иборатдир. Шу боис унда энергетика, энергетика тежамкорлиги, энергиянинг муқобил манбалари каби муҳим бўлимлар ташкил этилиб, мамлакатимиз энергетика тармоғи ютуқлари кенг тақдим этилаяпти.

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МУНОСАБАТ

*Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни шукуҳи кезмоқда. Бинобарин, халқимиз учун тинчлик ва осойишталик, фаровонлик энг олий саодат, бебаҳо неъматдир. Буни юртдошларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари билдираётган фикрлар ҳам тасдиқлайди.*

# Юрт тинчлиги, аҳоли фаровонлиги — пировард мақсад

**Жамила НИЯЗОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:**

— Тинчлик, хотиржамлик нақадар муқаддас неъматлар эканини Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийлар, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ҳамюртларимиз, урушнинг аччиқ азоб-уқубатини тортган ота-хону онахонларимиз яхши билишади, қалбдан ҳис этишади. Ҳар бир юртдошимиз, хусусан, ўсиб келаётган навқирон авлод вакиллари онгига бугунги дориламон кунлар шукронаси ҳамда тинч ва осуда кунлар қадри ҳақидаги тушунчалар кексаларимизнинг ана шундай ибратли ҳаёт йўли, бошдан кечирган аччиқ хотиралари орқали сингдириб борилади. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб, аждодлар хотирасини ёдга олиш, нуронийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, бу ишда ёшлар иштирокини таъминлаш эзгу анъанага айланди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу санага бағишланган маросимда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат чоғида “Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди”, деган эътирофи ҳар биримизни ғайрат-шижоат кўрсатишга, тинч ҳамда осуда кунлар қадрига етиш, шу азиз Ватанимизга муносиб бўлишга ундайди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан марраларни бугун дунё эътироф этмоқда. Таъкидланганидек, БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонимиз “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” каторидан жой олгани, яъни 158 давлат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллагани юртимиз қай даражада юксалаётганининг, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётганининг яна бир ёрқин далолатидир.

Бинобарин, бахтли мамлакатимизнинг бахтли кунлари доимийлигини таъминлаш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган шу заминни кўз қорачиғидек авайлаб асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, кундалик амалимизга айланмоғи лозим. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, қўлга киритаётган ютуқларимиз пойдеворини янада мустаҳкамлайди.

**Пахриддин МАТКАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси:**

— Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати шуки, уруш миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатларга сабаб бўлган қирғинбаротдир. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ота-боболаримиз, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган. Бугунги мусаффо осмонимиз, тинч, осойишта кунларимиз улар кўрсатган жасорат, қаҳрамонлик, мардликнинг амалий ифодаси бўлиб, буни ёш авлод асло унутмаслиги учун мамлакатимизда кенг кўламли ишлар, беқиёс чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Президентимиз 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб Хотира майдонида ўтказилган тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда шуларга алоҳида тўхталиб, Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ҳамда осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонлар номи ва хотираси кўпни кўрган, ёвуз душман олдида ҳеч қачон бош эгмаган халқимиз ёдида умрбод сақланишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақиллик йилларида бешафқат урушда қатнашган, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш борасидаги эзгу ишлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронларига сана муносабати билан юбилей медаллари, пул мукофотлари ҳамда байрам совғалари топширилди. Бундай эъзоз, эҳтиром ва рағбат нуронийларимизга катта руҳий мадад бўлди. Аҳамиятлиси, уларнинг ҳар бири бу эътибор ҳамда ғамхўрликлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайли эканини мамнуният билан айтишади.

Ҳар гал дуода бир-бирига тинчлик, омонлик тилайдиган халқимизнинг қонқонига сингиб кетган эзгу фазилатлар бугун ёш авлод қалбидан чуқур жой олаётгани диққатга сазовордир. Мазкур саъй-ҳаракатларни изчил давом эттирган ҳолда, аввало, эртанги кунимизнинг давомчиси бўлган, барча масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар қандай бало-қазолардан, ёт ғоялар таъсиридан асраш, бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, сезгир ҳамда ҳушёр бўлишимиз ҳаётий зарувратдир.

Бу, айниқса, раҳбарлар, масъуллар билан бир қаторда, биз, сенаторлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини изчил давом эттириш, парламентда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, аҳоли кенг қатлами, айниқса, фахрийларнинг ёш авлод билан учрашувларини ташкил этиш, уларнинг ҳаётидаги муаммоларга ечим топиш маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликдаги долзарб вазифаларимиздандир.

Албатта, бундай юксак эътибор юртимизда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга ва аҳолининг тинч ҳамда фаровон умр кечиришини таъминлашга хизмат қилади.

**С. МАХСУМОВ ёзиб олди.**

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси доирасида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон экологик ҳаракати, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда ёшлар қатнашди.

**● Нукусда Оролбўйи ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-экологик муаммолари мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманда соҳани изчил ривожлантириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш, бандликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда тадбиркорликнинг аҳамияти юзасидан фикр алмашилди.**

● Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил қилинган “Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмайди” мавзуидаги тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари, маданият, санъат ва спорт соҳалари ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшган фидойи инсонлар таклиф этилди.

**● Йўловчи ташиш самолётларини юк ташувчи ҳаво кемаларига айлантириш лойиҳаси асосида қайта жиҳозланган “Боинг-767-300BCF” авиалайнери Навоий халқаро аэропортидан “Навоий — Шанхай” йўналиши бўйлаб юк ташиш парвозини бошлади.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# «Фараҳбахш кунларга етказганига шукр!»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мисол учун, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори, ижтимоий ҳимоя даражаси, оилалар мустаҳкамлиги, умр давомийлиги, шахс эркинлиги, жамиятдаги хайр-саховат ва ҳамжиҳатлик, аҳолининг хурсандчилигини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижалари алоҳида инобатга олинган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат ва юртимизда инсон омилига устувор аҳамият қаратилаётгани шарофатидандир.

Бу бежиз эмас, албатта. Масалан, биргина биздек ёши улуғларга, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида тўхталсам, бундай меҳрнинг адоғи йўқ. Ҳар доим эъзоздамиз, ҳурматдамиз. Шифокорлар уйимизга келиб, ҳол-аҳволимиздан хабар олиб туришибди, саломатлигимизни назорат қилишаяпти, зарурат туғилса, бепул дори-дармон билан таъминлашмоқда. Маҳалла-кўй, турли идора ва ташкилотлар вакиллари келиб, совға-саломлар улашаётгани кучимизга куч, умримизга умр қўшаяпти. Шу боис бу мунаввар кунлар учун ҳар қанча шукроналар айтсак, камлик қилади.

Ҳозир 94 ёшдаман. Умримнинг энг навқирон чоғи уруш деб аталган балою офат даврига тўғри келди. У совуқ кунларни эслашни ҳам хоҳламайди одам. Негаки, ҳар қадамда ажал билан олишардик. Жонимиз ҳар дақиқада омонат бўлиб турганидан бир хавотирлансак, туғилиб-ўсган диёримиз соғинчи, яқинларимиз дийдорини энди наҳотки кўролмаймиз, деган ўй-хаёлдан баттар эзилардик. Бу ҳақда мен тадбирларда, мактаб, коллеж ва лицейлардан йўқлаб хонадонимизга келаётган ёшларимизга бот-бот гапиришдан чарчамайман. Мақсад, улар ҳеч қачон рутубатли кунларни кўришмасин. Бугунги дориламон ҳаётимизни қадрлашсин, улуғлашсин. Ватанига содиқ қолсин, ота-онасини ҳурмат қилсин, азалий анъаналаримизнинг давомчилари бўлсин.

Яратганга беҳисоб шукр, мамлакатимиз мустақиллигини ҳам кўриш насиб этди. Баъзан набираларим кўмагида пойтахтимизни айланаман. Баланд-баланд иморатлар, қурилаётган янги уй-жойлар, истироҳат боғларини кўриб, завқим ошади. Фарзандларимга ҳам “Бугун яшайдиган, юрт равнақи йўлида меҳр бериб фидойилик кўрсатиб ишлайдиган замон келди”, дейман. Бунинг омили — истиқлолимизга умрбоқийлик тилайман. Эзгу нияти амалдаги ишлари билан ҳамоҳанг ижобат бўлаётган, юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлашда бош-қош бўлаётган Президентимизга соғлик-омонлик тилаб, омон бўлсинлар, деб дуолар қиламан.

**Тошкент шаҳрида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Абдувосиқ ота АБДУЛЛАЕВнинг дил сўзини «Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.**

# Энг яхшилар аниқланди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус” кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда мазкур анъанавий тадбирнинг қуйи босқичида ғолиб чиққан тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.*

## «ТАШАББУС — 2015»

Танловнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай муҳит яратилгани, “Ташаббус” эса тадбиркору фермерлар, халқ амалий санъати усталарини қўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидладилар.

— Ушбу нуфузли кўрикда қатнашишнинг ўзи катта шараф, — дейди Бухоро туманилик моҳир ҳунарманд Акмал Муҳиддинов. — Бу тадбир кишини янада изланишга, интилишга ундайди. Мен ёғоч ўймакорлигига оид ижод намуналарим билан қатнашдим. Улар бир қатор давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ҳам намойиш этилган. Маълумки, “Устоз — шогирд” анъанаси ҳар бир соҳа ривожида беқиёс ўрин тутади. Шу маънода, ўз ҳунаримни ёшларга ўргатишга ҳам эътибор қаратаяпман.



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Бухоро шаҳридаги Тоқи Заргарон мажмуасида жойлашган устахонамиз йигит-қизлар билан доимо гавжум. Уларнинг қизиқиши, шижоатини кўриб, қувонаман. Касбимга меҳрим ортади.

Тадбир якунида Бухоро шаҳридаги “Левадия Бухоро” корхонаси раҳбари Илҳом Сайфиев “Энг яхши тадбиркор”, Жондор туманидаги “Бўстон Назар” фермер хўжалиги раҳбари Назар Ҳожиев “Энг яхши фермер”, Бухоро туманилик Акмал Муҳиддинов “Энг яхши ҳунарманд” деб топилди. Бошқа бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар номи аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 12 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1990,18 | 1 Исландия кронаси | 18,99 | 1 СДР | 3547,79 |
| 1 Англия | | 1 Канада доллари | 2080,77 | 1 Туркия лираси | 935,80 |
| фунт стерлинги | 3888,03 | 1 Хитой юани | 406,39 | 1 Швейцария франки | 2702,15 |
| 1 Дания кронаси | 376,75 | 1 Россия рубли | 49,71 | 1 евро | 2828,84 |
| 1 БАА дирҳами | 686,83 | 1 Украина гривнаси | 122,52 | 10 Жанубий | |
| 1 АҚШ доллари | 2522,73 | 1 Малайзия ринггити | 700,17 | Корея вони | 23,11 |
| 1 Миср фунти | 330,63 | 1 Польша злотийси | 692,85 | 10 Япония иенаси | 210,39 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ИЗЛАНИШ

*Наманган вилоятидаги импорт ўрнини босувчи юқори сифатли пойабзаллар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари орасида “Дипломат пойабзал саноат-савдо” масъулияти чекланган жамияти алоҳида ажралиб туради.*

## Кичик корхонанинг катта муваффақияти

Негаки, ушбу корхона маҳсулотларини мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги савдо шохобчаларида учратиш мумкин.

Бу замонавий технология асосида табиий чармдан тайёрланаётган 60 дан ортиқ турдаги пойабзалларнинг пишиқлиги ва ўзига хос дизайни билан боғлиқ. Корхона ўтган йили молия муассасасининг 150 миллион сўмлик кредити ҳисобига айланма маблағларини кўпайтиришга эришди. Шу билан бирга, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ортди. Жумладан, жорий йил биринчи чорагида истеъмол бозорига 168 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. “Дипломат” бренди остидаги пойабзаллар айни чоғда корхонанинг иккита фирма дўконидан ташқари, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги улгуржи савдо корхоналари орқали ҳам харидорларга таклиф этилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



ИСЛОҲОТ

*Қадимий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Сурхондарё замини истиқлол йилларида мамлакатимизнинг кўркам, обод ва тароватли манзилларидан бирига айланди. Асрларга татигулик ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари воҳани янада яшартириб, яшнатиб юборди. Пировардида янги иншоотлар, замонавий муассасалар қад ростлади. Инфратузилма ривожланди. Ўз навбатида, ҳудудда жойлашган тарихий ёдгорликлар тубдан таъмирланиб, обод қиёфа касб этди. Буларнинг барчаси воҳанинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, вилоят бетакрор табиати, ширин-шакар ноз-неъматлари, бағрикенг ва меҳмондўст одамлари билан дунё аҳлининг эътирофини қозониб келаётир. Шу боис бу ерга ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бораяпти.*



## Туризм: ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ВА ИСТИҚБОЛ

Буни воҳада 2014 — 2016 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган вазифалар ижроси изчил таъминланаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Хусусан, айни пайтда ҳудуддаги маданий мерос объектларининг ягона реестри тузиб чиқилмоқда. Туман ва шаҳарлардаги ёдгорликлар бўйича манбалар тўпланиб, уларнинг паспортлари шакллантирилаётир. Бундай тарихий ҳамда сайёҳлик иншоотларида ўзбек ва инглиз тилларида маълумот стендлари, йўналиш кўрсаткичлари ўрнатилаяпти. Қолаверса, дастур доирасида вилоят ўлкашунослик музейининг янги биноси қурилиши кўзда тутилган. Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи махсус транспорт воситалари хариди учун эса ташаббускорлар томонидан кредит олиш учун банкларга зарурий ҳужжатлар тақдим этилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ички туризм йўналишида фаолият юритувчи сайёҳлик ташкилотларини лицензиялаш тартиби соддалаштирилгани соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилаётир. Пировардида янги-янги меҳмонхоналар, кемпинг ва мотеллар бунёд этилиб, мавжудлари замон талаблари даражасида реконструкция қилинаяпти. Масалан, ана шундай кенг имкониятлар самараси ўлароқ, яқинда Қумқўрғон, Шўрчи ва Бойсун туманларида чет эллик сайёҳларга мўлжалланган замонавий меҳмонхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Ўз навбатида, вилоятдаги тарихий обидаларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган истиқболли лойиҳалар ижросига ҳам жадал киришилган. Шу асосда келгусида “Термиз — Самарқанд — Термиз” ва “Урганч — Термиз” авиайўналишларини очиш режалаштирилган. Бунинг учун Термиз халқаро аэропортини реконструкция қилиш, унинг кутиш залини кенгайтириш, божхона назорати тизимини модернизациялаш, чет эллик сайёҳларни кутиш ва кузатиш учун алоҳида йўлак ташкил этиш каби кенг кўламли юмушлар амалга оширилади. Бинобарин, туризм компаниялари буюртмаси асосида яқин истиқболда “Термиз — Қарши — Бухоро — Урганч” йўналишида темир йўл рейслари ҳам йўлга қўйилади. Шеробод, Денов ва Бойсун туманлари, яъни “Термиз — Бойсун — Мачай”, “Термиз — Шеробод — Зараутсой”, “Термиз — Денов — Сангардак” йўналишлари бўйлаб ташкил этиладиган саёҳатлар эса воҳа меҳмонларининг бу кўҳна заминдан бой таассуротлар билан қайтишини таъминлайди.

Маълумки, Термиз шаҳрига азал-азалдан мўътабар қадамжолар, зиёратгоҳлар юрти, деб таъриф бериб келинади. Шу боис жаҳон тамаддунида ўз ўрнига эга бўлган мазкур шаҳарнинг ўтмиши ва бугунини кўришга интилаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораяпти. Чунончи, ўтган йили ушбу тарихий заминга ташриф буюрган сайёҳлар сони салкам 34 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2015 йили мазкур кўрсаткич яна икки мингтага ошиши кутилаяпти. Бунда воҳадаги 400 га яқин тарихий-маданий, меъморий обиданинг 25 тасида археологик изланишлар олиб борилаётгани, 20 га яқинида эса янги сайёҳлик йўналишлари очилаётгани муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

**Шуҳрат ИБРАГИМОВ,**
**«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий вакили.**

KAPITALBANK

*МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ*

Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш, умуман, иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

## Дастурий вазифалар ижроси

банк ва мижоз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда молия муассасалари ҳам ўз хизмат ва маблағлари билан фаол иштирок этаяпти. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан мазкур соҳа вакилларига 106 миллиард 948 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгани, шундан 25 миллиард 531 миллион сўми тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, 39 миллиард 222,2 миллион сўмлик сармоялар мижозларга инвестиция кредити ва лизинг хизматлари, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ёш оилаларга 988 миллион сўм миқдорида имтиёзли ипотека ҳамда истеъмол кредитлари сифатида тақдим этилгани, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун берилган маблағлар миқдори 15 миллиард 741,2 миллион сўмга етказилгани ҳам диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жойларда кўплаб тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилишига, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаяпти.

Масалан, “Жарқўрғон савдо” хусусий корхонаси банкнинг молиявий кўмагида минифутбол майдончаси қуриб, спортсевар ёшлар ихтиёрига берган бўлса, паррандачиликка ихтисослаштирилган “Хонобод имкон парранда” масъулияти чекланган жамияти парҳез гўшт ва тухум ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эътиборлиси, ҳозирги кунда бу ерда етиштирилаётган сифатли маҳсулотлар республикамизнинг барча ҳудудига тарқатилмоқда.

Пойтахтимиздаги транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган “Vivatex Invest” масъулияти чекланган жамияти ҳам, мана, бир неча йилдирки, мазкур молия муассасаси маблағларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Жорий йилда банк томонидан ушбу хўжалик юритувчи субъектга 800 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши натижасида нафақат жамоа сафига яна ўн киши қўшилди, балки кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳам янада яхшиланди.

— Банклар тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бораётгани айни ҳақиқат, — дейди “Sam Metall Komfort” хусусий корхонаси раҳбари А. Турсунов. — Негаки, бугунги кунда молия муассасаларининг барча хизматлари ишбилармонларга маъқул шартларда таклиф этилмоқда. Шу боис 2010 йилдан бери “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд филиали маблағи ҳисобидан фаолиятимизни тобора кенгайтириб келаяпмиз. Жумладан, 2014 йилда унинг 168 миллион сўмлик сармояси эвазига зарур хом ашё — металл профил харид қилган эдик. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада ошириб, харидорларга шу кунгача 248,4 миллион сўмлик темир-бетон маҳсулотлари сотишга муваффақ бўлдик. Келгусидаги режаларимиз ҳам бисёр. Ўйлайманки, уларни амалга оширишимизда мазкур молия муассасаси бизга яқин кўмакдош бўлади.

Шу билан бирга, банкда жисмоний шахсларга кредит бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни бугунги кунда хоҳлаган киши “Капиталбанк”нинг юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар, авиачипталар, заргарлик буюмлари, мебель жиҳозлари, маиший техникалар, қурилиш материаллари сотиб олиш, тўй ва бошқа маросимларни ўтказишга мўлжалланган кредитларидан фойдаланиши мумкин.

Қисқаси, банк жамоаси Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Аниқроғи, жорий йилда ушбу мақсадлар учун йўналтириладиган сармоялар ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошириш режалаштирилганки, бу банк ва мижоз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланишининг ишончли кафолатидир.

**Д. УЛУҒМУРОДОВ.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Душанба куни Токио биржасида ўтказилган савдолар чоғида электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Sharp” компаниясининг акциялари баҳоси бирданига 30 фоиз тушиб кетди.*

## Акциялари нархи кескин пасайди

Бунга компания банкротликдан қочиш учун умумий капиталини 99 фоиз қисқартиришни режалаштираётгани ҳақида маҳаллий матбуотда тарқатилган хабар сабаб бўлган.

Манбага кўра, “Sharp” ўтган молиявий йилни қарийб 1,5 миллиард евро миқдорида зарар билан якунлаган. Бу борадаги расмий маълумот жорий ҳафтада эълон қилиниши кутилаяпти.

## Фаолиятини кенгайтиради

*Финляндиянинг уй ва боғ учун турли асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи “Fiskars” компанияси АҚШнинг “WWRD” концернига қарашли “KPS Capital Partners” инвестиция фирмасини сотиб олишини билдирди.*

Мазкур фирма чинни ва биллур идишлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. “Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, ушбу битим харидор учун 432 миллион долларга тушади. Унда кўзда тутилган барча шартлар июль ойигача тўлиқ бажарилгач, фин компанияси уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш борасида дунёдаги етакчилардан бирига айланади.

Олдинроқ “Fiskars” ошхона учун жиҳозлар етказиб берувчи маҳаллий “Iittala” ва Даниянинг “Royal Copenhagen” компанияларини сотиб олган эди.

## Учувчининг маҳорати

*“Монтерей — Лос-Анжелес” йўналишида парвозни амалга ошираётган “SkyWest Airlines” авиакомпаниясига тегишли йўловчи самолёти Лос-Анжелес шаҳридаги аэропортга фавқулодда қўндирилди.*

Маълум бўлишича, ҳаво лайнерининг шассиси тўла очилмай қолган. Шу боис учувчи уни корпуси билан қўндиришга мажбур бўлган. Мазкур воқеа юз берган вақтда самолёт бортида 40 нафар йўловчи ва уч нафар экипаж аъзоси бор эди. Ҳеч ким зарар кўрмаган.

## Сейсмик фаоллик

*Непалда сейсмик фаоллик сақланиб турибди. Хусусан, кеча бу ерда кетма-кет учта зилзила рўй берди. Уларнинг энг кучлиси 7,3 баллни ташкил этди.*

Табиат ҳодисалари маркази мамлакатнинг Намче-Бозор аҳоли яшаш пунктидан 68 километр ғарбда, Эверест этагида қайд этилган. Оқибатда Чаутара шаҳрида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эвакуация тадбирлари бошлаб юборилган. Ер силкиниши таъсири қўшни Ҳиндистонда ҳам сезилган. Ушбу ҳудудда икки киши ҳалок бўлгани айтилмоқда.

Непалда шу йилнинг 25 апрель куни юз берган 7,9 балли зилзила натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони 8 минг 400 кишидан ошди. 17 минг нафар одам жароҳатланган.




## Рекорд нархга сотилди

*“Christie‘s” аукционида рассом Пабло Пикассонинг “Жазоирлик аёллар (О версияси)” номли асари 179,4 миллион АҚШ долларига сотилди.*

Бу шу пайтгача мазкур Кимошди уйида сотилган энг қиммат санъат асари ҳисобланади. Айтиб ўтиш жоизки, Пабло Пикассо 1954-1955 йилларда “Жазоирлик аёллар” деб номланган 15 та расм чизган. Улардан бири 1997 йилда 32 миллион долларга сотилган эди.

“Christie‘s”да аввалги рекорд 2013 йилда ўрнатилган. Ўшанда бу ерда Фрэнсис Бэконнинг “Люсьен Фрейд портретига учта намуна” номли картинаси 142,4 миллион АҚШ долларига баҳоланганди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига «Асака» банки бошқарув йиғилишининг 2015 йил 20 февралдаги 45-сонли баённомаси ва «Асака» банки Шайхонтоҳур филиалининг 2015 йил 7 майдаги 06/1328-сонли буюртманомасига асосан, «Асака» банки Шайхонтоҳур филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 76-уйда жойлашган, ер майдони 626 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 246 693 893,42 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига «Асака» банки бошқарув йиғилишининг 2014 йил 28 февралдаги 44-сонли баённомаси ва «Асака» банки Шайхонтоҳур филиалининг 2015 йил 7 майдаги 06/1328-сонли буюртманомасига асосан, «Асака» банки Шайхонтоҳур филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 13/1-уйда жойлашган, ер майдони 1710 кв.м., умумий майдони 974 кв.м. бўлган 3 қаватли (ертўласи билан бирга) бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 641 118 096,63 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 29 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 27 май куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 29 май куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2015 йил 15 ва 30 июнь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 15 июндаги савдо учун — 12 июнь, 30 июндаги савдо учун — 26 июнь кунлари соат 18.00.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан кўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000904920609114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

**Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел./факс: (0-371) 228-79-52.**
**www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

684А/02

Хизматлар лицензияланган.

**«Совпластитал» АЖ**

**шуни маълум қиладики,**
**Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни шодиёналари муносабати билан корхона фирма дўконида бир ой мобайнида 30 фоизлик чегирма билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдоси ташкил қилинади.**

**1-сонли фирма дўкони манзили:**
**Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 24.**
**Мўлжал — цирк ёнидаги янги кўприк ёки метронинг Ғафур Ғулом бекати.**
**Телефонлар: (+998 71) 244-62-96, 244-50-30.**

680А/335

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни харид қилиш бўйича танлов савдолари эълон қилади:**

- кўчма ўт ўчириш техникаси учун диаметри 77 мм. ва 125 мм. бўлган, улаш учун хизмат қиладиган каллакли, сўриб олиш хусусиятига эга, ўт ўчиришда ишлатиладиган енглар (шланглар);
- диэлектрик қайчилар;
- ўқ отиш тренажёри;
- ўқ отиш жиҳозлари;
- автомобиллар шиналари: 145/70R12, 155/70R12, 165/70R12 (Tico), 175/70R13, 155R12c, 185/65R14, 255/55R18, 205/65R15, 205/70R14, 215/75R16, 225/75R16c, 8.40x15 (215/90-15c), 245/45R18, 245/50R18, 7,5R16c, 8.5R17.5, 320/457 (12.00R18), 320/508 12.00R20, модель М-93, 320x508 12.00R20, 315/80R22,5;
- хизмат эшиклари учун тўхтатувчи (стопор).

**Тижорат таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун.**

**Танлов савдолари қуйидаги манзилда ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12 (навбатчи), 255-75-11, 281-43-76.**

535А/289

# Спорт

*Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказилган қитъа чемпионатида уч нафар ҳамюртимиз олтин медалларни қўлга киритди.*

## Ҳамюртларимиз Осиё чемпиони



Нуфузли мусобақанинг эркин кураш баҳсларида Бекзод Абдураҳмонов, юнон-рум курашида Элмурат Тасмурадов ва Рустам Ассакалов ўз вазн тоифасида барча рақибини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионлигига эришди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Руслан Плиев, Рашид Қурбонов, Умиджон Исманов (эркин кураш), Нурбек Холмуҳамедов, Дилшод Турдиев ҳамда Жонибек Отабеков (юнон-рум кураши) чемпионатнинг бронза медаллари билан тақдирланди.

Ушбу давлатда 1998 — 1999 йилларда туғилган енгил атлетикачилар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида ҳам вакилларимиз муносиб қатнашди.

Хусусан, баландликка сакраш беллашувларида Сафина Саъдуллаева 1 метр 71 сантиметр натижа кўрсатиб, олтин медаль билан тақдирланди. Найза улоқтиришда эса яна бир умидли спортчимиз Владислав Полюнинга тенг келадиган рақиб топилмади. У ҳам Осиё чемпиони бўлди. Терма жамоамиз аъзоларидан Александра Юркевская (еттикураш) ва Виктория Дирдина (уч ҳатлаб сакраш) кучли учликдан жой олди.

## Яна ғолибликка эришди



*Болгариянинг Варна шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган жаҳон чақирув кубогининг навбатдаги босқичида ўзбекистонлик атлет Оксана Чусовитина ғолибликка эришди.*

Тажрибали спортчимиз таяниб сакраш мусобақасида 14,650 очко тўплаб, асосий рақиблари — словакиялик Тея Белак ҳамда швейцариялик Жулия Штайнгруберни катта фарқ билан ортда қолдирди.

Эътиборлиси, бу Оксана Чусовитинанинг жорий йилдаги жаҳон чақирув кубоги босқичларида эришган учинчи ғалабаси ҳисобланади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Ёшликнинг жўшқин наволари



Пойтахтимизда ёш опера ижрочиларининг "Ёшлик баҳори" деб номланган республика кўрик-фестивали бошланди.

САНЪАТ

Юртимизда мусиқа санъатининг барча йўналишини янада ривожлантириш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада турли танлов ҳамда фестивалларнинг мунтазам ўтказилиши иқтидорли ёшларни аниқлаш, улар қалбида санъатга меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур санъат анжумани Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзбекистон миллий симфоник, камер, халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудида жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган муҳташам санъат кошоналари бунёд қилиниб, фойдаланишга топширилди. Ўғил-қизларимиз замонавий таълим муассасаларида ҳар томонлама пухта билим олиб, республика ҳамда жаҳон миқёсида уюштирилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий учрашувларда бетакрор ва бой маданий меросимиз намуналарини халқаро жамоатчилик эътиборига ҳавола этишаяпти.

Юртимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган "Шарқ тароналари", "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Тошкент баҳори" каби кўплаб фестиваллар истиқлол йилларида мусиқа санъатининг барча йўналишида эришилган улкан ютуқ ва марраларни мадҳ этиш, бу борадаги ижодий мулоқотни янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Қувонарлиси, бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида ўзбек дирижёрлик, созандалик, вокал, бастакорлик, опера ижрочилиги мактаблари анъаналари янада бойиб бормоқда. Шунингдек, "Она юрт оҳанглари", "Созлар навоси" каби ёш мусиқачилар танловларининг муваффақиятли ташкил этилаётгани ҳам янгидан-янги истеъдод соҳибларининг намоён бўлишига хизмат қилаяпти. Бинобарин, "Ниҳол" мукофотининг таъсис этилгани эса уларни рағбатлантирибгина қолмай, ижодий камолотга эришишлари учун қанот бўлаяпти.





Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

"Ёшлик баҳори" ёш опера ижрочиларининг республика кўрик-фестивали ҳам ана шундай эзгу лойиҳалардан биридир. Мазкур тадбир навқирон авлодни она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, шунингдек, миллий-маданий меросимизни тарғиб этиш, санъат ихлосмандларини жаҳон опера санъати дурдоналаридан баҳраманд қилишга қаратилгани билан янада эътиборлидир.

Кўрик-фестиваль илк бор 2014 йилда бир босқичда ўтказилган. Жорий йилда эса унинг нуфузи ортиб, икки босқичда уюштирилаяпти. Унда 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган, республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 80 нафардан зиёд ёш опера ижрочилари ўзаро беллашмоқда. Хусусан, танлов иштирокчилари ўзбек ҳамда хорижлик бастакорларнинг опералардан ариялар, камер вокал асарларини тақдим этишаяпти. Уларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан баҳолаб борилаётир.

— Мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри хонандаси Иқболжон Раҳматов. — Албатта, бу бизни янги-янги марралар сари ундайди. Мазкур фестиваль бизнинг ижодий маҳоратимизни янада ошириб, келгусида нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли қатнашишимизга хизмат қилади.

"Ёшлик баҳори" кўрик-фестивали ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги гала-концерт 15 май куни бўлиб ўтади.

**Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳар тошида ҳикмат бор



*Оҳангарон воҳаси тарихини ўрганишга бел боғлаган қадимшунослар юртимизнинг шимоли-шарқидаги бепоён сарҳадларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тилсимотларга дуч келдилар. Бу ердаги оёқ турмас қияликларда олиб борилган қазишма ишлари давомида топилган ашёларнинг камида 25 — 35 минг йиллик ўтмиши бор экан.*

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўзининг буюк давлатчилик тарихи, теран илдизларига эга. Ҳозирги Оҳангарон воҳаси ўрнида жойлашган Илоқ давлати ҳам азалдан илм-фан, маърифат ва маданият ўчоқларидан бири бўлган. Манбаларда Илоқнинг бетакрор табиати, конлари, қўлигул уста-ҳунармандлари ижод намуналарига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Ҳудуддаги Қорахитой, Сусам, Увак, Қурама, Эртош каби қадимий топонимлар этимологияси ҳам аждодларимиз маънавий ҳаётининг ёрқин ва бебаҳо тимсолларидир.

Воҳа замини турли нодир маъдан ва қазилмаларга бой. Тадқиқотчиларнинг эътирофича, бу ерда Менделеев даврий тизимидаги деярли барча элемент учрайди. Шу боис мазкур ҳудуд азалдан кон-металлургия саноатининг муҳим ўчоқларидан бири бўлиб келган. X аср араб географларидан Ал-Истаҳрий "Илоқ конлари энг мустаҳкам конлардир. Улардан қазиб олинган кумуш, олтин ва мис сифати бўйича энг яхшисидир", деб ёзган.

Юртимиздаги рангли металл рудаларининг заҳиралари, асосан, шу воҳанинг Олмалиқ ҳудудида жамланган. Чунончи, Қалмоққир кони минтақамиздаги энг ноёб конлардан бири бўлиб, бу ерда мис-молибден рудаларини қазиб чиқариш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётир.

Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғидан Лашкараксой бошланади. Унинг ўзанига яқин ҳудудлар тахминан 10 — 12 аср муқаддам кончилар қолдирган тоғ жинслари билан лиммолим. Худди шу жойдаги кумушга ниҳоятда бой бўлган кон эса ўтмишда "Кўксим" деб аталган. Унинг шарофати билан Илоқ давлати Шарқда ноёб металлар қазиб олинадиган йирик марказга айланган. Ажабланарлиси, минг йил аввал бугунгидек қудратли кончилик техникалари бўлмаган. Бироқ аждодларимизнинг юксак зеҳни ва тафаккури боис Илоқ металлурглари ўрта асрлардаёқ "Буюк афсунгарлар" деб ном олган.

Ўша кезларда "Кўксим" конлари 300 метргача ковлаб борилган. Кончилар ўзларини ҳимоялаш учун мустаҳкамловчи восита сифатида арча ходаларидан фойдаланишган. Руда эритувчилар учун эса игнабарглилар зўр ёқилғи ҳисобланган. Шу сабабли бугун ёндош ҳудудлардан фарқли ўлароқ, бу ерда қуюқ арчазорлар кўзга ташланмайди.

— Илоқда ўша даврларда халқ ҳунармандчилиги, жумладан, темирчилик, мискарлик, заргарлик кенг тараққий этган, — дейди қадимшунос олим, техника фанлари доктори Абдурашид Ҳасанов. — Энг муҳими, қадимий давлат ўзининг зарбхонасига ҳам эга бўлган. Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида пул зарб этилган. Шу билан бирга, кулолчилик анъаналари ҳам ривожланган. Қазишмалар чоғида топилган минг йиллик хумлар қолдиғидаги ранглар ҳали ҳам ўз жилосини йўқотмагани, сариқ ранг билан сирланган уй-рўзғор анжомлари эса ҳеч бир жойда учрамагани ана шундан далолатдир.

Пурвиқор Қурама тоғлари тегрась овлоқ жой — Кўлбулоқ дараси воҳанинг энг кўҳна қўрғонларидан бири саналади. Бу ерда полиолит даврига мансуб ибтидоий одамлар манзилгоҳи топилган. Тошқуроллар, гулхан куллари Кўлбулоқда 100 минг йил аввал ҳам инсонлар яшаганини англатади. Унинг суви турфа маъданларга бой бўлгани учун ниҳоятда шифобахш саналади.

Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари бўйлаб аждодларимизнинг ўчмас дастхати — қоятош битиклари ўрин олган. Бундай расмларни тизмаларнинг кўп нуқталарида учратиш мумкин. От минган овчилар, камонбозлар, сершох буғулар, тоғ эчкиларининг ноёб тасвирлари ўзига хос тасвирий санъат галереясини эслатади.

— Не бахтки, мустақиллик бизга тарихий илдизларимизни чуқур ўрганиш имконини берди, — дейди "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Зарифа Эшмирзаева. — Шунинг шарофати билан ўтган қисқа давр ичида Оҳангарондаги харобага айланиб қолган бир неча қадамжоларни қайта тиклашга, обод қилишга муваффақ бўлдик. Бугун бу ердаги Ҳазрати Али, Шоабдумалик ота зиёратгоҳлари хорижлик сайёҳлар эътиборини тортаётир.

Воҳадаги тарихий қадамжоларда олиб борилаётган тиклаш-таъмирлаш ишлари бу борадаги хайрли саъй-ҳаракатларнинг бир қисми, холос. Бинобарин, ҳудуддаги кўплаб табаррук қадамжолар, тарихий обидалар бамисоли қайта ҳаёт бахш этувчи ўз тадқиқотчиларини, ўз ижодкорларини кутмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


ЭЪЛОН

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.





**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (0-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (0-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (0-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (0-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (0-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-593) 400-40-25 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Мирзаобод тумани | (0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) (0-367) 227-00-44, (0-595) 511-68-65 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (0-595) 510-10-17 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (0-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | (0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (0-595) 510-95-26 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-366) 442-68-05, (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (0-595) 600-12-02, (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (0-365) 223-38-37 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | (0-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (0-595) 505-05-12, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (0-375) 221-17-25, (0-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (0-375) 505-05-13, (0-595)505-05-41 (0-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (0-595) 602-22-09, 602-22-18 (0-362) 223-36-58, (0-595) 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (0-595) 603-33-25 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35 |
| **Нурота кабель участкаси,** Нурота ш.,Ш. Рашидов к.,32-уй | (0-595) 603-31-32, 610-69-89 |

404R/105


Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси қўмита раиси ўринбосари Шуҳратхўжа Ҳашимовга волидаи муҳтарамаси

**Карима ая АБДУЛЛАХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси банкнинг Сирдарё вилояти филиали бошқарувчиси Сатторжон Тўраевга волидаи муҳтарамаси

**Ширингул ЛАТИПОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5